Куч — адолатда

2011 йил,
27 январь,
пайшанба
№ 3-4 (310)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

янада юксак марраларга чорлайди

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, йиллар ўтгани сайин ушбу ислоҳотлар замиридаги сиёсатнинг, унинг нечоғлик узоқни кўзлаб, юрт келажагини ўйлаб юритилаётганига гувоҳ бўлиб бормоқдамиз. Айниқса, бу йиллар бир-биридан ўзининг залворли қадами, амалга оширилган ишлар кўлами, буюк мақсадлари билан кескин фарқ қилиши билан бирга, айни вақтда улар бир-бирини мазмунан тўлдириб, бойитиб бораётганини шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Бирор йил якунига етар экан, бу доим биз учун сарҳисоб ва янги режалар палласи бўлади. Хусусан, ўтган йил билан хайрлашаётганимизда ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табригида эътироф этилганидек, **2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.**

Дарҳақиқат, 2010 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеликларга бой бўлиши билан бирга, иқтисодиёт, илм-фан, маданият каби кўплаб соҳа ва тармоқларда янгиланишлар, юксалишлар йили бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган ҳафтада Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қилган маърузаси мазмун-моҳиятида буларнинг барчаси чуқур таҳлил қилиб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди.

Маърузада қайд этилганидек, биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар экан-миз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисобланда эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўналишларидан бири суд ҳокимиятини, суднинг мустақиллигини изчиллик билан мустаҳкамлаб боришдан, уни инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ишончли тарзда муҳофаза қилиши ва қўриқлаши керак бўлган чинакам мустақил давлат институтига айлантиришдан иборат.

Xabar

Суд мустақиллиги ва одил судловни амалга оширишда ўзаро тортишув принципини кучайтириш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Суд мустақиллигини таъминлаш ва жиноят процессида ўзаро тортишув принципини кучайтириш масалалари» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, жиноят процессида ўзаро тортишувни таъминлаш, фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда», деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини изчиллик билан мустаҳкамлаб боришга, суднинг мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси рўёбга чиқарилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Жазодан озод этиш асослари

фуқаролар манфаатини муҳофазалашга хизмат қилади

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасида ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, ҳар бир янгиланиш аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётир. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар юртимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида сўз борганда, жиноят содир этган шахсни нафақат жазолаш, балки қонунчиликда белгиланган асосларга кўра, жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид меъёрларнинг босқичма-босқич тарзда такомиллаштирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республика Бош прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда қилмишидан пушаймон бўлган фуқароларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг моддий ва процессуал ҳуқуқий асослари ўрганиб чиқилди.

Қонунчиликда белгиланган қоидаларга биноан, **«шахснинг амалда пушаймон бўлиши»** бу — Жиноят кодексининг Махсус қисмида алоҳида белгиланган айрим турдаги жиноятни содир этган шахснинг айбини бўйнига олиши тўғрисида арз қилиши, чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши ва келтирилган зарарни бартараф қилиши сингарилардан иборат. Амалда пушаймон бўлиш институти жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш учун асос бўлиб, жиноятларни тезкорлик билан фош этиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш мақсадида фуқароларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликка ундашга, шунингдек, ушбу тоифа шахсларнинг жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинишини кафолатлашга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Dolzarb mavzu

Инсон саломатлигининг муҳим шарти

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

Соғлом ва узоқ умр кўриш — инсониятнинг азалий орзуси. Шу сабабли, ҳар бир жамиятнинг олдида турган асосий вазифалардан бири — аҳолининг саломатлиги ва узоқ умр кўриши учун шароит яратишдан иборатдир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг саломатлиги даражаси оиланинг, унинг атрофидаги яқинларининг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Бутун халқнинг саломатлик даражаси эса, миллат генофондини баҳолайди.

Шу туфайли ҳам, мана, қарийб йигирма йилдирки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз сиёсатида устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Энг муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида 19-20 йил ичида фуқароларимизнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларда эса, 75 ёшгача узайганлиги, оналар ўлими кўрсаткичларининг 2 баравардан кўпроққа, болалар ўлими кўрсаткичларининг эса, 3 баравarга камайганлиги қувонарли ҳолдир.

(Давоми иккинчи бетда)

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Кичик бизнесга катта имкониятлар

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда асосий эътибор кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётир.



Айниқса, давлатимиз раҳбари Асосий қонунимиз қабул қилинганининг ўн саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилгани халқимизнинг кўнгилдаги иш бўлди.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, уларга имконият, кафолат ва имтиёзлар яратиш мақсадида кўплаб қонунлар, фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатлари асосида бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш истиқлолимизнинг дастлабки йилидаёқ асосий стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Huquqiy ma`rifat

Инсон манфаатлари ҳимояси

фаолиятимизнинг бош мезони

Маълумки, юртимизда фуқаролар, уюшма, ташкилот ва жамоаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари Конституция ва қонунчилигимизга мувофиқ, давлат ташкилотлари, мансабдор шахслар томонидан ҳимоя қилинади. Шу йўналишдаги яна бир ўзига хос ва муҳим вазифанинг ижроси нотариат институти зиммасига юклатилган. Бу вазифани бажарувчи ходим махсус ҳуқуқий ваколатга эга бўлган мансабдор шахс ҳисобланади ва қонунда белгиланган нотариал гувоҳлантириш — шаҳодатлаш тадбирлари, ҳаракатларини амалга оширади. Нотариат суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик институтларнинг муҳим бўғини эканлигини таъкидлаш лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Ихтиёрий қопланган зарар

жазонинг ҳам енгиллашишига асос бўлди

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил илгарилаб бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланади. Жиноий жазо тизимининг тобора демократик кўриниш касб этиб, либераллаштирилаётгани бунинг амалий ифодасидир.

Албатта, инсоннинг умр йўли бир хил кечмайди, турли ҳаётий синовлар кишининг иродаси, сабру бардоши, имон-эътиқодини синайди. Ҳаётда киши билиб-билмай хатога йўл қўйиши ҳам мумкин. Муҳими, бунда айбдорнинг хатосини тезда тушуниши ва уни тузатишга ҳаракат қилишидир. Сир эмаски, айб — ҳуқуқий жиҳатдан жавобгарликни келтириб чиқаради. Ьинобарин, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган (ва шу каби маълум хусусиятларга эга) жиноятни содир этиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, етказган зарарини қоплаган жавобгарни кечириш олижаноблиқдир. Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимининг демократлаштирилиши, жазоларнинг либераллашуви моҳиятан ана шундай инсонпарварликни ифода этади.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратсак, И.Солиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Олтинкўл туманида жойлашган «Андижон-Пахта» очиқ акционерлик жамиятига раҳбар этиб тайинлангач, аввалига қонун доирасида фаолият юритди.

Акциядорлик жамиятининг ривожи йўлида муайян ишларни амалга ҳам оширди. Аммо раҳбар сифатида узоқни кўра олмади. Аниқроқ айтганда, нафсининг йўриғига кириб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилди. У жамият бош ҳисобчиси Б.Қодиров ва марказий омбор мудири М.Алижонов билан ўзаро жиноий тил бириктирди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Суд мустақиллиги ва одил судловни амалга оширишда ўзаро тортишув принципини кучайтириш

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, судларни ихтисослаштириш амалга оширилди, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил рўёбга чиқариш мақсадида суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. 2008 йил 1 январдан бошлаб, ўлим жазосининг бекор қилинганлиги ва қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилганлиги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда туб бурилиш бўлди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинганлиги ва ишларни апелляция тартибида қайта кўриш жорий этилганлиги биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишнинг муҳим кафолати бўлди. Одил судлов тизимини янги сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги қарори билан Олий суд ҳузурида янги институт — Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди. Давра суҳбатида қайд этилганидек, Ўзбекистонда прокурор ва адвокатнинг тенглигини таъминлашга, судда жиноят ишини кўришнинг ҳамма босқичларида уларнинг ўзаро тортишувини, одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар ҳозирги кунда адвокатуранинг мустақиллиги кафолатини кучайтиришга, ушбу касбнинг нуфузини оширишга ёрдам бермоқда. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳимоячига жиноят процессининг исталган босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Шу билан бирга, давра суҳбати қатнашчилари қайд этишга муҳим ўрин берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-моддасига ўзгартишлар киритиш таклиф қилинмоқда. Бу ўзгартишларга мувофиқ, биринчи инстанция судида иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш вазифаси фақат прокурор зиммасига юклатилмоқдаки, бу суднинг мустақиллиги, объективлиги, холислигини таъминлашга, жиноят процессида ўзаро тортишув принципини кучайтиришга ёрдам беради.

Муҳокама асносида давра суҳбати қатнашчилари ўзаро фикр алмашдилар, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда жиноят процессида ўзаро тортишув принципини кучайтиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни билдирдилар. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга, судьялар лавозимига тавсия этилган номзодларни шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш сифатини оширишга ижобий таъсир этадиган қонунчилик ҳужжатларини қўлланиш тажрибасини оммавий ахборот воситаларида ёритиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича унинг иштирокчилари тегишли тавсияларни қабул қилдилар. Давра суҳбатида сенаторлар, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура вакиллари, бир қатор олий ўқув юртларининг олимлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

Islohot va samara

Буюк мақсадларимиз ижобати

янада юксак марраларга чорлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу аввалambor қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирлар натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди.

Банкларнинг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан ҳам 3 баравар юқори бўлишини таъминлади. Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари 35 фоизга ўсди, бунда кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли инвестиция кредитларининг улуши 75 фоиздан ошди. 2010 йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баравар кўпайди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмларини 13,6 фоизга ўстириш имконини берди. "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобига қишлоқ аҳоли пунктларида намунавий лойиҳалар асосида 6800 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизгача ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу билан боғлиқ аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш масалаларни ҳал этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2010 йилда 950 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Жами янги иш ўринларининг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилга нисбатан 23,5 фоизга ўсди.

Республика иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатиши, унинг юқори суръатларда ўсишининг узоқ муддатли тенденциялари сақланаётганлиги, барқарор ва ишончли банк-молия тизими, муваффақиятли таркибий ўзгартиришлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг маъқулланаётганлиги ҳамда нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилганлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, мамлакатни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, уни ривожланган демократик, равнақ топган мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш, жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг рақобатбардошлилигини ошириш ва ўрнини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш йўлида мақсадли, қатъият билан олға интилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил таҳлил қилди ҳамда 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажаришга қаратилган дастурий вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари олдига мамлакатни барқарор, юқори суръатлар билан ва мувозанатли макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва унинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, инфратузилмани комплекс ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техника базасини ва жиҳозланишини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишга доир масалаларни изчил ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва бажариш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Жорий йилнинг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** деб эълон қилиниши муносабати билан 2011 йилга белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай бизнес муҳитини яратиш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Dolzarb mavzu

Инсон саломатлигининг муҳим шарти

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсон саломатлигига хавф солаётган омиллар, афсуски, кам эмас. Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича ҳар йили одам ўлими содир этилишига оид кўрсаткичларнинг тўртдан бири — спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши билан боғлиқ экан.

Шунингдек, дунёда мастлик ҳолати билан боғлиқ бўлган касалликлар ва шикастланишлар оқибатида, ҳар йили 2,5 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда, улардан 15-29 ёшлилар сони ўрта ҳисобда — 320 минг нафарни ташкил қилади.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино «шароб» — заҳарнинг бир тури», — деб бежиз таърифламаган.

Спиртли ичимликнинг бўлажак оналар организмига, ҳомилага ва эмизикли гўдак организмига жиддий хавф солиши олимлар томонидан аллақачон исботланган.

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиш — кашандалик — дунё аҳолиси ўртасидаги ўлим ҳолатларини келтириб чиқарувчи иккинчи иллат эканлиги бугунги кунда аниқланган. ЖССТнинг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер юзининг 1,3 миллиард аҳолиси кашандаликка дучор бўлган. Бугунги кунда мунтазам равишда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, яъни унга ружу қўйиш, оддий айтганда, кашандалик инсон жисмонан ва руҳий-физиологик жиҳатдан унга ўрганиб қолаётганлиги учун гиёҳвандликнинг энг оғир шаклларидан бири, деб расман тан олинган.

ЖССТнинг маълумотларига кўра, ер юзида ҳар 6,5 сония ичида 1 нафар инсон тамаки чекиш билан боғлиқ бўлган касаллик туфайли бу дунёни тарк этмоқда. Агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, 2030 йилга келиб, фақат тамаки сабабли ҳар йили 8,3 миллион нафар инсоннинг оламдан кўз юмиши тахмин қилинмоқда.

Айтиш керакки, тамаки тутуни таркибида 7 мингдан ортиқ компонентлар бўлиб, уларнинг аксарияти фармакологик жиҳатдан жуда фаол, заҳарли, мутаген ва канцероген моддалар ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ўпка саратони касаллиги кўрсаткичлари бутун дунёда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, ушбу касалликка чалинганларнинг 98,96 фоизи тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчилардир.

Энг ташвишланарлиси шундаки, чекмайдиган одамлар чекадиганлар атрофидаги «пассив чекувчилар»ни ташкил қилиб, улар орасида болалар ва аёллар кам эмас. Тамаки тутунидаги заҳарли моддаларнинг айнан «пассив чекувчилар» организмига салбий таъсири кучли эканлиги замонавий тиббиётда аллақачон исботланган.

Шу боисдан ҳам ЖССТ ҳали 1980 йилдаёқ тамаки чекишга қарши катта кампания эълон қилган эди. Ушбу ташкилот томонидан 2003 йил 21 майда қабул қилинган **«Тамакига қарши кураш бўйича доиравий конвенция»**га деярли барча Европа мамлакатлари, шунингдек, қатор Ҳамдўстлик давлатлари қўшилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам тамаки чекишнинг, спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари ҳақида давлат ва жамият миқёсида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилган. Шу билан бирга тамаки ва спиртли ичимликлар истеъмолини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг зарурати пайдо бўлди.

Шу нуқтаи назардан, **«Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»** қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш меҳнат унумдорлиги ўсиши, меҳнат интизоми мустаҳкамланиши, аҳолининг маданий савияси ошиши ва соғлиғи сақланишига жиддий равишда тўсқинлик қилади. Оила бюджетига путур етказади. Фақатгина давлат даражасида қатъий профилактик чоралар кўриш орқали, ушбу зарарли одатларнинг олдини олиш мумкин.

Шу боис қонун лойиҳаси фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклашга, ушбу маҳсулотларнинг фуқаролар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган.

20 ёшгача бўлган даврда барча зарарли таъсирлар (жумладан, алкоголь ва тамаки) шахсда уйғун ривожланиш жараёнининг бузилишига сабаб бўлади. Бу ёшда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини татиб кўриш тезлик билан уларга мойилликнинг шаклланишига олиб келади. Шунингдек, ёшлар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш уларнинг репродуктив саломатлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, 20-21 ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь истеъмол қилиши ва тамаки чекишини чеклашга оид қоидалар Япония, АҚШ, Исландия, Миср, Норвегия каби бир қатор давлатлар қонунчилигида белгиланган.

Шунинг учун юртимизда ҳам алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахслар учун сотиб олишни тақиқлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар истеъмолини ёшлар учун чегаралашни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш фурсати келди.

Қонун лойиҳасида иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларида, таълим ва тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш жойларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланиши белгиланган.

Шунингдек, биноларда ва чекишга мўлжалланган жойлардан бошқа жойларда, таълим-тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш жойларида, жамоат транспортининг барча турларида ва уларнинг тўхташ бекатларида, тиббиёт муассасалари, савдо объектларида, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар ва оммавий дам олинадиган бошқа жойларда, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланиши кўзда тутилган.

ЖССТнинг **«Тамакига қарши кураш бўйича доиравий конвенцияси»**си чеклов чораларининг бутун бир туркумини изчил жорий этишни, шу жумладан, жамоат ва иш жойларидан иккиламчи тамаки тутунини тўлиқ бартараф этишни, рекламани, тамаки маҳсулотлари сотишни рағбатлантиришни ва тамаки компаниялари ҳомийлигини тўлиқ тақиқлашни талаб қилади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам ҳисобланади. Ўз навбатида ундаги меъёрларнинг амал қилиши алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг камайишига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашишига ва пировардида, миллий генофондимиз саломатлигини мустаҳкамлашнинг, келажак авлодларимизнинг ҳар томонлама — ҳам жисмонан, ҳам руҳий-ақлий жиҳатдан соғлом бўлишининг кафолати бўла олади ҳамда мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигининг ошишига кўмаклашади.

Зуҳра БОТИРОВА,
Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Кичик бизнесга катта имкониятлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Улар фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкция фақат суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланган, ҳисобот тақдим этиш турлари қисқартирилгани ҳам тадбиркорларимиз учун қулайлик яратганига бугун барчамиз гувоҳмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»**ги қарорига асосан Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган бўлса, 2003 йил 27 августдаги қарори билан вазирликнинг тадбиркорларни ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти янада такомиллаштирилди.

Шу муносабат билан соҳа ходимлари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг бажарилиши юзасидан зарур ишлар амалга ошириб келинаётир.

2010 йилнинг тўққиз ойида тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишларда аниқланган 2019 та қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга 163 та тақдимнома, 51 та огоҳнома ва 43 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 235 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 23 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Кўрилган чоралар натижасида давлат бошқарув идораларининг тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган 72 та ноқонуний қарори бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга 159 миллион 286 минг 583 сўм ундиришга қаратилган 123 та даъво аризаси киритилди. Масалан, Ургут туманидаги «Маҳмуд Элдор» фермер хўжалигининг қонуний манфаатини кўзлаб «Ўзбекэнерго» ДАК «Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖга нисбатан моддий зарарни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан «Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ ҳисобидан 759 минг 996 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланди.

Назорат қилувчи идораларнинг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибига риоя этиши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қувонарли томони шундаки, **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»**да бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси кучайтирилади. Бу эса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугуннинг ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб қолишига хизмат қилади.**

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Мамлакат ривожи, жамият тараққиётида хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Барча соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, катта ютуқларга эришаётган опа-сингилларимиз борлиги бунинг исботидир. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, аёллик номига номуносиб ишларга қўл ураётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Saboq

Айбдор

Албатта, жиноий қилмишга қўл урган кимсага қонун доирасида чора кўрилади. Аммо мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар замиридаги инсонпарварлик тамойиллари аёлларга енгиллик беришни, шу тариқа уларнинг тўғри йўлга тушиб олишига имконият яратишни кўзда тутади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Фазилат Раҳимова ва Мадина Маматова 2008 йил 3 сентябрь куни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Хуршид исмли кимса билан жиноий тил бириктириб, Чустий кўчасида яшовчи Манзура Валиеванинг тилла буюмларини қўлга киритишга қарор қилишади.

Жиноий режага кўра, Мадина билан Хуршид гўё турмуш қуришни ният қилган ёшлар қиёфасида М.Валиеванинг уйига боришади. Уй бекасига тўй учун тилла буюм сотиб олмоқчи эканликларини, унда шундай тақинчоқлар борлигини эшитиб келишганини, қиммат нархда сотиб олишни билдиришади. Соддадил Манзура опа уларнинг сўзларига заррача шубҳа қилмай, дарров тақинчоқларини кўрсатади.

Мадина уй эгаси кўрсатган тилла буюмларни кўздан кечираётган паллада Хуршид жиноий режани амалга оширади: у чўнтагидаги ҳушдан кетказувчи моддани олиб, Манзура опанинг юзига сепади... Қабиҳ ниятларига эришган ҳамтовоқлар М.Валиеванинг жами 2.500.000 сўмлик тилла буюмларини олиб, кўздан ғойиб бўлишади.

Судланувчилар Ф.Раҳимова ва М.Маматова ушбу ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми «б», «в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этишган.

Суд ҳайъати айбдорларга жазо тайинлашда уларнинг муқаддам судланмаганлиги, жиноятига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги инобатга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам уларнинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келиб, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, шартли ҳукм чиқаришни ва синов муддати белгилашни лозим топди.

Қонун берган ушбу енгилликнинг қадрини айбдорлар англаб етади, дейишга асос бор. Зеро, аёл киши учун, энг биринчи навбатда, оила, фарзанд азиздир. Оиласи бағридан жудо бўлиш эса энг оғир жазо ҳисобланади.

Мингбулоқлик Сарвинисо Турдиеванинг қилмиши ҳам юқорида мисол келтирган аёлларникига ўхшайди. Тўққиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган С.Турдиева қариган чоғида жиноятга қўл уриб, юзи шувут бўлди.

Yangi qonun mohiyati

Жазодан озод этиш асослари

фуқаролар манфаатини муҳофазалашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, Жиноят кодексининг «Терроризм» (155-модда тўртинчи қисм), «Давлатга хоинлик қилиш» (157-модда иккинчи қисм), «Жосуслик» (160-модда иккинчи қисм), «Пора бериш» (211-модда тўртинчи қисм), «Пора олиш-беришда воситачилик қилиш» (212-модда тўртинчи қисм), «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» (223-модда учинчи қисм), «Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш» (244^2-модда учинчи қисм), «Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш» (248-модда тўртинчи қисм) жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган моддаларида рағбатлантирувчи меъёрлар ҳам назарда тутилган бўлиб, уларга кўра, шахс муайян асосларга кўра, жавобгарликдан озод қилинади. Чунончи, Жиноят кодексининг 212-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, башарти пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан сўнг бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятнинг очилишида фаол ёрдам берса, жавобгарликдан озод этилади.

Шунга қарамай, қонунчилигимизда, гарчи Жиноят кодексининг Умумий қисмида жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни ифодаловчи алоҳида боблар ва бир нечта модда мавжуд бўлса-да, айнан Жиноят кодексининг Махсус қисмида алоҳида кўрсатилган моддалардаги жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни умумий тартибга солувчи меъёр мавжуд эмасди. Бу эса ушбу асослар билан жиноят ишини тугатиш ёки жазодан озод этиш жараёнини процессуал расмийлаштиришда қийинчиликларга сабаб бўлиб келарди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларининг шахсни, амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш институти билан боғлиқ меъёрларини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2010 йил 18 ноябрда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 3 декабрдаги тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва 2010 йил 28 декабрдан эътиборан кучга кирди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — айнан Жиноят кодексининг Махсус қисмида алоҳида кўрсатилган жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишга қаратилган меъёрларни Умумий қисмда мавжуд жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишга оид моддаларда ҳам ифодалаш ва уларни қўллаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни процессуал жиҳатдан тартибга солувчи меъёрларини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Шу ўринда ушбу қонун билан қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар моҳиятига бевосита тўхталадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 57^1, 66, 71-моддаларига қуйидагича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

- 57^1 - модданинг номи янги таҳрирда — «Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш» тарзида баён этилди;

- 66-модданинг биринчи қисми янги таҳрирда — «Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин», деб ифода этилди. Яъни ортиқчалиги боис биринчи қисмдан «жиноят содир қилингандан кейин», деган сўзлар чиқариб ташланди. Бундан ташқари амалда пушаймон бўлишни ташкил этувчи ҳаракатлар уларни бажариш кетма-кетлигига мувофиқ ўзгартирилди.

Шунингдек, 66-моддага «Ушбу кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим», деган иккинчи қисм киритилди. Бу билан Жиноят кодексининг Махсус қисмида алоҳида кўрсатилган жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган айрим жиноятлар учун умумий меъёр белгиланди;

- 71-модданинг биринчи қисми янги таҳрирда — «Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин», деб баён этилди. Яъни биринчи қисмдан «жиноят содир этганидан кейин», деган сўзлар чиқариб ташланди. Шу билан бирга, амалда пушаймон бўлишни ташкил этувчи ҳаракатлар уларни бажариш кетма-кетлигига мувофиқ ўзгартирилиб, модда номи мазмунни тўлиқроқ ифода этиши учун — «Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш» тарзида баён этилди.

Шунингдек, 71-модданинг иккинчи қисми янги таҳрирда — «Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин», деб ифодаланди.

Зеро, Жиноят-процессуал кодексининг 113 ва 324-моддаларига мувофиқ, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деганда, ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида, у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин хабар бериши тушунилади. Жиноят кодексининг 71-моддаси иккинчи қисмини Жиноят-процессуал кодексининг юқоридаги моддалари билан, шунингдек, рус тилидаги матн билан мувофиқлаштириш мақсадида, мазкур қисмдаги «шахсан ўзи ёки унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри билан келиб», деган сўзлар чиқариб ташланди.

Бундан ташқари 71-модда «Ушбу кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим», деган учинчи қисм билан тўлдирилди. Бу эса Жиноят кодексининг Махсус қисмида алоҳида кўрсатилган жазодан озод қилиш мумкин бўлган айрим жиноятлар учун умумий меъёр белгиланганини кўрсатади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қонун Жиноят-процессуал кодексига муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ҳам кўзда тутади. Чунончи, ушбу кодекснинг 84, 333, 362, 401, 421, 463, 493-моддаларига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳамда жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирувчи қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

- «Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш учун асослар» масаласини тартибга соладиган 84-модданинг биринчи қисмига «Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса», деган 8-банд киритилди. Яъни Жиноят кодексининг 66-моддасига қўшимча киритилган иккинчи қисмдаги моддий меъёрнинг процессуал механизми белгиланди.

Яна шу модданинг иккинчи қисми «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади», деган мазмунда баён қилинди;

- «Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш»ни тартибга солувчи 333-модда «Ушбу кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди» мазмунидаги учинчи қисм билан тўлдирилди;

- «Айблов ҳукми чиқариш асослари»ни тартибга соладиган 463-модданинг учинчи қисмига «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса», деган 6-банд киритилди.

Бундан ташқари қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 362-моддаси иккинчи қисмидаги, 401-моддаси иккинчи қисмидаги «тўртинчи» сўзи «бешинчи» сўзи билан, 493-модданинг матнидаги «1 ва 4-қисмларида» деган сўзлар «биринчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилди. Шунингдек, 421-модда матни янги таҳрирда — «Агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради», деб баён этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мазкур ўзгартишлар амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш институтининг моддий ва процессуал меъёрларини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг амалиётда тўғри ва бир хилда қўлланилишига хизмат қилади. Зотан, айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш ҳамда уни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмини яратиш мамлакатимизда одил судловни юритиш учун зарур масала ҳисобланади. Чунки бу, биринчидан, жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқларини кафолатлайди; иккинчидан, жиноятларни очиш, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради; учинчидан, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланувчининг ҳуқуқларини ўз вақтида тиклашга хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди

Maslahat

Исм-фамилияни ўзгартириш

у қай тарзда амалга оширилади?

Оила кодексининг 70-моддасида боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш тартиби ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораси ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек, унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик идораси бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилганда ёхуд ота-онадан бири болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик идораси боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат ўзининг розилиги билан йўл қўйилади.

хатосини англаса...

қонунга биноан унга енгиллик берилади

Гап шундаки, Мингбулоқ тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида С.Турдиеванинг ҳовлисида 14 туп кўкнори экилгани аниқланди.

Суд ушбу жиноят ишини кўриб чиқишда С.Турдиеванинг ёшини, ижтимоий аҳволи ва бошқа жиҳатларни инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллади ва жарима жазоси тайинлади.

Албатта, қонунда назарда тутилган енгилликлар муайян шартларни тақозо этади. Хусусан, айбдор хатосини такрорламаслиги, қатъий тузалиш йўлига ўтиши, жамиятга фойдали иш билан машғул бўлиши лозим. Йўқса, қонунда қатъий жазо чоралари ҳам кўзда тутилган. Тўрақўрғон туманида яшовчи Каромат Тиркашева тўрт нафар фарзанднинг онаси эканлиги, ёши элликни қоралаб қолганига қарамай, одам савдосидай оғир жиноятга қўл уради. Гарчи жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди томонидан 2008 йил 26 июнда Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми билан айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, сўнг инсонпарварлик тамойилига асосан ушбу кодекснинг 72-моддаси билан 3 йил синов муддати белгиланган эса-да, К.Тиркашева бу бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқармади. У фуқароларни алдов йўли билан хорижга олиб чиқишдек жиноятга қўл ургани боис Жиноят кодексига биноан 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Аёл билан олам мунаввар, дейдилар. Хонадонимиз фариштаси, оилаларимиз файзи бўлган опа-сингилларимизни ҳар қанча қадрласак, авайлаб-асрасак оз. Зеро, миллатимиз келажаги бўлган соғлом ва баркамол авлоднинг асосий тарбияси оналарга боғлиқдир. Шу боис уларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, яратилаётган имкониятларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда уларда қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлик даражасини янада юксалтириш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Қобилжон ХОЛБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Инсон манфаатлари ҳимояси

фаолиятимизнинг бош мезони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, **«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир»**. Нотариал фаолият учун ҳам бу дастуриламал ғоянинг аҳамияти беқиёс. Уқдирилганидек, юртимизда қарор топган янги шакл ва янги мазмундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мамлакат суд-ҳуқуқ тизими, шу жумладан, нотариат фаолиятига ҳам жиддий ижобий таъсир кўрсатди, иш кўлами мулкчилик ва тадбиркорлик фаолияти, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларига доир битимлар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш, гувоҳлантириш, шаҳодатлаш, айни пайтда, жисмоний ва юридик шахслар номидан қонунда белгиланган ишлар ва тадбирлар юзасидан тегишли давлат органларига мурожаат қилиш сингари бир қанча янги хизмат турлари билан бойиди. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги шартнома ва битимлар ҳозирги кунда ҳуқуқий-фуқаролик муносабатларнинг кенг тарқалган қисми сифатида эътироф этиляпти. Бунда нотариал идоралар томонидан уларга кўрсатиладиган хизматлар кўламини тасаввур этиш қийин эмас. Ўтган йил давомида биргина бизнинг 1-сонли давлат нотариал идорамиз томонидан 7550 та ҳуқуқий тадбир амалга оширилди. Улар ичида кўчмас мулк ва автомототраспорт воситаларига оид нотариал ҳаракатлар кўпчиликни ташкил этади. Васиятномалар, мерос ҳуқуқи ва гаровга оид шартномаларни тасдиқлаш ва гувоҳлантириш ҳаракатлари сони эса тез ортмоқда.

Нотариат ходими ўз хизмат фаолиятини амалга оширар экан, ҳамиша қонунга суянмоғи, бошқалардан ҳам шуни талаб этмоғи зарур. Олди-сотди ҳужжатларини гувоҳлантириш, мерос тақсимоти каби тадбирлар нотариуснинг диққат ва эътиборталаб ишлари сирасига киради ва бу жараёнда бошқаларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик нотариал хизматнинг бош мақсади ҳисобланади. Баҳсли, мунозарали вазиятларда масалани кўпинча нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатлар ҳал этади. Бу эса ушбу ҳужжатнинг юксак юридик мақомидан дарак беради.

Нотариал ҳужжатларнинг мукаммаллиги ниҳоятда муҳим. Бинобарин, шахс, давлат ва жамият ҳаётига бевосита дахлдор кўпгина нотариал ҳаракатлар, чунончи, уй-жой, автомашина, бино ва иншоотлар олди-сотдиси, мерос ва васият қилиб қолдирилган мулкни адолатли тақсимлаш каби тадбирлар тегишли ҳужжатлар ва далиллар асосида амалга оширилади. Қоидага кўра, мижоз муҳим ва жиддий ҳисобланган нотариал тадбирларни амалга ошириш пайтида шахсан иштирок этмоғи (мижоз шахсан иштирок этиши шарт бўлмаган нотариал ҳаракатлар ҳам бор), нотариуснинг расмийлаштирилаётган ҳужжат юзасидан қўйган талабларини сўзсиз бажармоғи шарт. Бундай талаб бажарилмаган тақдирда эса нотариат гувоҳлантириш ҳақидаги талабни рад этиш ҳуқуқига эга. Нотариал ҳужжатларнинг мукаммаллиги ва пировардида зарур таъсир кучини кашф этиши учун бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Қонунга мувофиқ, нотариал идоралар низо мавжуд бўлмаган ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширадилар. Башарти гувоҳлантириш тадбири нотариатга баҳсли, низоли ҳолатда тақдим этилса, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракат рад этилади ёки муайян вақтга тўхтатилади. Амалга оширилаётган нотариал ҳаракат билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган ёки бундай ҳолат юз бериши эҳтимол тутилган вазиятларда эса нотариат ходими мижозни бу ҳақда расман огоҳлантириш ва уни бартараф этишни талаб қилиш ваколатига эга. **«Нотариат тўғрисида»**ги қонуннинг 18-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилиши, 31-моддага биноан эса, бундай ҳаракатни амалга ошириш манфаатдор шахслардан эътирози бор-йўқлигини сўраш учун 1 ойгача бўлган муддатга, судга мурожаат қилиш зарур бўлган ҳолатларда эса 10 кунгача кечиктирилиши лозим. Ушбу муддат ичида суддан маълумотнома олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилади. Бундай маълумот олинган ҳолда иш судда ҳал этилгунга қадар тўхтатиб турилади.

Хулоса ўрнида айтганда, юқорида мулоҳаза юритилган қоида ва кўрсатмалар нотариал фаолият мустақил Ўзбекистонда чиндан ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг узвий ва муҳим жиҳатига айланганидан далолат беради.

Ҳалимбой ЮСУПОВ,
Урганч шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Таълим соҳасининг ўрта махсус тизимида кўп йиллик педагогман. Айтинг-чи, пенсияга чиқишимда имтиёз бўладими?

Ф. ЛАТИПОВ,
Олтинсой тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган **«Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-рўйхати»**нинг VII қисмида шу ҳуқуққа эга бўлган маориф ишларида банд бўлганлар рўйхати келтирилган бўлиб, мазкур қисмнинг 1,3-бандида таълимнинг ўрта махсус тизимида фаолият юритувчи педагоглар ва тарбиячилар пенсия борасида имтиёзга эга эканлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари **«Таълим тўғрисида»**ги қонуннинг 21-моддаси, биринчи қисмига кўра, таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

— Мен ижарага уй олмоқчи эдим. Айтинг-чи, уй-жойни ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилади?

К. РАШИДОВ,
Норин тумани

— Фуқаролик кодексининг 612-моддасида таъкидланишича, уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Шунингдек, бу борада қуйидаги қоидаларни билиб олиш фойдадан холи бўлмайди:

- бир йилгача муддатга тузилган уй-жойни ижарага бериш қисқа муддатли ижара шартномасидир;
- ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга;
- агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

Саволга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Bag`rikenglik tamoyillari

Ихтиёрий қопланган зарар

жазонинг ҳам енгиллашишига асос бўлди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундан сўнг ҳамтовоқлар «Андижон-Пахта» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 205 хил турдаги умумий қиймати 374923,5 минг сўмлик мулкни ўзлаштириб юборишади. Улар бу талон-торожликни ёпиш учун ҳужжатларга сохта маълумотлар киритишади. Яъни аслида ўзларининг жиғилдонига кетган маҳсулотларни қоғозларда гўё қонуний равишда тақсимлаб чиқишади. Ҳужжатларга бўлим раҳбарлари номидан имзоларни эса ўзлари қўйишади.

Халқимиз «Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади» деб бежиз айтмаган. Туман прокуратураси томонидан олиб борилган текширувлар натижасида И.Солиев, Б.Қодиров ва М.Алижоновнинг қилмишлари фош этилиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, жавобгарларга жазо тайинлади. Хусусан, И.Солиев, Б.Қодиров ва М. Алижонов қилмишларидан қаттиқ пушаймонда эканлиги, айбига иқрорлиги, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар инобатга олиниб, уларга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига ушлаш шарти билан ахлоқ тузатиш иши, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, айбига иқрор бўлган И. Солиев, Б. Қодиров ва М. Алижонов суд жараёни бошлангунга қадар етказилган зарарни тўлиқ қоплашгани боис уларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ҳа, йиқилганни суяш, айбини тан олганни кечириш, бағрикенглик — халқимизга хос фазилатлардан. Энг муҳими, ушбу инсонпарварлик мезонлари қонунчилигимизда ўзининг теран ифодасини топганки, бу, ўз навбатида, юртимизда инсоннинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш энг устувор вазифа эканидан далолат беради. Зотан, одил судлов учун жазонинг оғирлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги, адолатлилиги муҳимдир.

Муроджон АБАБАКИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди раиси

Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Mulohaza

Оила — мўътабар маскан

Оила мустаҳкам ва тинч бўлса, жамият ҳам осойишта, фаровон бўлади. Зеро, жамият оилалардан таркиб топади. Никоҳ ва оила муносабатларига доир масалалар ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий, мафкуравий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солинади. Жумладан, Оила кодексида фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра, тасарруф этишлари белгилаб қўйилган. Айни пайтда оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ҳамда ўз мажбуриятларини бажариши оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахснинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда қонуний никоҳдан ўтиши, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Мамлакатимизда ҳар бир оила ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ кафолатланганини таъкидлаш лозим. Зарур ҳолларда суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, Оила кодексида назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан оила манфаатларини ҳимоя қилиш амалга оширилади.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **"Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорида судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва фарзандларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилган.

Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбурлигини назарда тутиши лозим.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра, ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашиши учун муддат белгилашга ҳақли. Бу вақт эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини ва уларнинг яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолатларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар қўмиталарига, маҳалла кенгашларига ва ўзини-ўзи бошқариш идораларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Оилани сақлаш мақсадида суд ишни кўришни иккинчи марта қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган олти ойгача бўлган муҳлатни белгилашга ҳақли.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилларга асосланган ҳолда фаолият юритмоқда. Шаҳар ва туман ҳокимлари ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда иш режалари тузилиб, уларда белгиланган тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди томонидан ўтган йил давомида Оила кодексининг 40-моддаси талаблари бўйича 521 та иш бўйича эр-хотинларга ярашиб олиши учун 3 ойдан 6 ойгача муддат берилган, 128 та хусусий ажрим чиқарилиб, эр-хотинни яраштириш чораларини кўриш учун улар яшаб турган жойдаги маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар қўмитаси раисларига юборилган. Натижада аксарият эр-хотинларни яраштиришга ва уларнинг оилаларини сақлаб қолишга эришилди.

Масалан, даъвогар И.Пардаева судга С.Бобожоновга нисбатан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд томонидан тарафларга ярашиб олиши учун уч ой муддат берилган. Бундан ташқари суд томонидан тарафларни яраштириш чораларини кўриш ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар қўмиталари раисларини номига хусусий ажрим чиқарилган. Ушбу муддат ўтганидан сўнг даъвогар И.Пардаева судга яна ариза билан мурожаат этиб, турмуш ўртоғи билан аралиш нияти йўқлигини, даъво аризасидан воз кечишини, шу сабабли иш юритишни тугатишни сўради. Суднинг ажримига кўра, иш Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси 3-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйилаётган асосларни, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини ҳар томонлама текшириши шарт. Зеро, оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Оила кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ота (она)-дан суднинг ҳал қилув қарори ёки буйруғига асосан алимент ундирилади.

Бундан ташқари ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда ҳам иштирок этиши шарт.

Амалдаги Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради.

Афсуски, баъзан ҳаётда ўз фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Жумладан, фуқаро И.Қўшназаров суднинг ҳал қилув қарори асосида фарзандларига алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги учун суднинг ҳукмига кўра, жиноий жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, келгусида биз оилавий низоларни кўришдаги иш фаолиятимизни маҳаллий ҳокимият органлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб боришимиз зарур. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз оилаларни мустаҳкамлашга, уларда соғлом муҳитни вужудга келтиришга, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини муҳофаза қилишга, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашга қаратилган.

Абдураҳмон САФАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг раиси

G'aroyib olam

Турфа ҳангомалар

Артуро Тосканини Америкага борганида Нью-Йорк оркестрига дирижёрлик қиларди. Кунлардан бир куни у оркестр билан куйлаётган қўшиқчи хонимга танбеҳ беради.

— Ахир, мен машҳур артистман! — дейди ҳақоратланган хоним. — Сиз буни биласизми?

Тосканини шундай жавоб қилади:

— Ташвишланманг, машҳурлигингизни ҳеч кимга айтмайман!..

☺ ☹ ☺

Композитор Леонкавалло Манчестерга келиб, ўзининг «Масхарабозлар» операси қўйилаётган театрга киради.

Спектакль тугагач, унинг ёнида ўтирган томошабинлардан бири ҳаяжонланиб хитоб қилади:

— Ажойиб мусиқа! Дурдона асар! Беқиёс!

Леонкавалло қўшнисига ҳазиллашмоқчи бўлади:

— Кечирасиз, жаноб, фикрингизга қўшилолмайман. Мен ўзим ҳам бироз мусиқачиман ва сизга айтиб қўяйки, бу операнинг мусиқаси бир тийинга қиммат. Ундаги ҳамма нарса ўғирланган. Каватина Берлиозники, биринчи актдаги дуэт Гунога тегишли, якуни эса Вердига жўнгина тақлид қилишдан иборат...

Эртаси куни Леонкавалло маҳаллий газетада ҳайрат билан қуйидагиларни ўқийди: «Леонкавалло ўз операси ҳақида». Синьор Леонкавалло эътироф этадики, унинг асари кўчирмачилик маҳсули. «Масхарабозлар»да бironта ўзига хослик йўқ».

Маълум бўлишича, композиторнинг кечаги қўшниси... театр танқидчиси экан.

☺ ☹ ☺

Кунлардан бир куни Милан консерваторияси директори ҳузурига бир ўсмир келиб, ўзини имтиҳон қилиб кўришларини сўрайди. Кириш синовида у ўзи ижод қилган асарларини роялда ижро этади.

Орадан бир неча кун ўтгач, у шундай ёзма жавоб олади: «Консерваторияга киришни хаёлингиздан чиқариб ташланг».

Бу воқеа 1832 йили бўлган эди. Орадан ўн йил ўтгач, Милан консерваторияси ўшанда омади чопмаган ўсмирнинг номи билан атала бошлайди.

Бу ном — Жузеппе Верди эди.

☺ ☹ ☺

Композитор Бородин бир куни уйига дўстларини таклиф қилади. Таом устида гурунглашиб ўтирадилар, унинг асарлари ижро этилади.

Кутилмаганда Бородин ўрнидан туриб, шоша-пиша кийимларини кия бошлайди.

— Қаёққа жўнаяпсиз, Александр Порфирьевич?

— Саломат бўлинглар, менинг вақтим зиқ, уйга боришим керак, эртага маърузам бор.

Меҳмонлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборадилар. Мезбон шундагина ўз уйида эканлигини пайқайди.

☺ ☹ ☺

Маълумки, машҳур композитор Шопеннинг отаси француз, онаси польяк эди. Бўлажак композиторнинг болалиги Польшада ўтади, аммо ҳаётининг асосий қисми Францияда кечади.

Дўстлари ва танишлари бир куни унинг миллати ҳақида баҳслашиб қолишади. Ахийри, бу ҳақда Шопеннинг ўзидан сўрашади.

— Ақлимга кўра, мен француздан, юрагим билан польякман.

Шопен вафоти олдидан юрагини Варшавада дафн этишларини васият қилгач... марҳумнинг тилаги адо этилади.

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Qonun barchaga barobar

Қоидага риоя этиш

хавфсизлигимиз гаровидир

Бу ҳаётда ҳар бир киши тўкис ва фаровон яшашни истайди. Шу истак йўлида ҳаракат қилади. Анвар Умаров (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ҳам уч йил муқаддам «ЗИЛ-130» русумли юк автомашинаси сотиб олганида орзу-ҳаваслари кўп эди. Ўтган вақт мобайнида бу машина рўзғорига барака киритди. Лекин...

Анвар ўша куни оғайниси Ҳикматуллонинг тўйида қатнашди. Тўй дастурхони тўкин эди, шишалар бўшай бошлаган сари суҳбат янада жонлангандай бўлди. Спиртли ичимликни истеъмол қилишнинг яхши-ёмонлиги бошқа масала, аммо машина бошқараётган киши уни мутлақо истеъмол қилмаслиги шартлиги ҳайдовчилик ўринларидан ўтирган ҳар бир кишига кундай равшан. Аммо Анвар бу қоидани эсдан чиқардими ёки бошқа нияти бормиди, ҳарқалай, нафсини тия олмади...

У уйга қайтиш учун ўрнидан турганида ичкилик таъсирида боши айланарди. Шунга қарамай, машинани бошқаришга уринди.

Айни дамда унинг хаёлини икки кундан кейин бўладиган укаси Олмоснинг тўйи банд этган, қўшни қишлоқдан қозон-ўчоқларни келтириб қўйиш ўзининг зиммасида эканлигини ўйларди.

Эҳтимол, Анвар бу ишни бошқа кунга қолдирганида ёки спиртли ичимлик ичмаган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор одамдан машинасини ҳайдашни илтимос қилганида ҳаммаси кўнгилдагидек тугармиди? Афсуски, йўлга чиққан Анвар «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг қатор талабларига амал қилмади. У транспорт воситасини ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган доридармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетобликда бошқариш тақиқланиши, йўлчироқ ишоралари, йўл белгилари, қатнов қисмидаги чизиқларга амал қилиш лозимлиги сингари талабларни қўпол тарзда бузди.

Янаям аниқроқ қилиб айтганда, А.Умаров «Ҳаракатланиш тўғрига» деган кўрсатмани билдирувчи йўл белгисига парво қилмай тақиқланган томонга машина рулини бурган пайтда шитоб билан келаётган Х.Толипов бошқарувидаги «Нексия» юк автомашинасига урилди...

Албатта, ҳеч ким, шу жумладан, йўлга чиққан ҳайдовчи ҳам фалокат содир бўлишини, бошига ташвиш тушишини истамайди. Аксинча, ҳайдовчи манзилига эсон-омон етиб олишни, оиласи бағрига соғ-саломат қайтишни хоҳлайди. Бироқ хоҳ йўловчи бўлсин, хоҳ ҳайдовчи, йўлларда ҳаракатланаётганда белгиланган хавфсизлик қоидаларига амал қилишлари ҳар жиҳатдан зарурдир. Чунки қоидага амал қилмаслик нафақат унинг ўзига, балки бошқаларга, бегуноҳ кишилар ҳаётига ҳам хавф солиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Суд судланувчи А.Умаровни Жиноят кодексининг 266-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли топиб, тегишли жазо тайинлади.

Таассуфки, кўнгилсиз ҳодиса туфайли ҳаёт билан бевақт видолашган одамлар энди қайтмайди... Бир зумлик кўнгилхушлик, қоидани менсимаслик мана шундай оғир оқибатларга олиб келгани А.Умаровга ўхшаш бепарво кишиларга аччиқ сабоқдир.

Акмал БОЙМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқолтин тумани судининг раиси



Қиш соғинчи

Qilmish-qidirmish

Антиқа фирибгарлик

Тажрибаси катта, ёши улуғ одамлардан, одатда, бошқалар, айниқса, ёшлар ибрат олади. Зотан, савобли амалларни эътироф этиш бошқаларни ҳам шундай эзгулик сари ундаш билан баробардир.

Аслида, киши, аввало, ўзининг ўтган умридан сабоқ чиқариб яшаши керак. Яъни ўтаётган ҳар бир куннинг энди ортга қайтмаслиги бизни сергакликка чорлайди. Афсуски, ҳаётда баъзи кимсалар ҳатто пешонаси деворга текканида ҳам сабоқ чиқаришни хаёлига келтирмайди. Масалан, Денов туманидаги Ҳазарбоғ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи Ахборот ресурс марказининг собиқ бошлиғи Шокир Шароповни ҳам шундайлар тоифасига киритиш мумкин.

Гап шундаки, Ш.Шаропов ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилиб, жазони ўтаб бўлгач, Денов туманидаги Ҳазарбоғ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига ишга кирган эди. Коллеж раҳбарияти унга «Ахборот ресурс маркази»-ни ишониб топширди. Не ажабки, уни тўғри йўлга тушди, деб ўйлаганлар адашган, аниқроғи, Ш.Шаропов ўзининг ёлғон сўзлари билан асл қиёфасини хаспўшлашнинг уддасидан чиққан экан.

Шу ўринда Ш.Шароповга топширилган вазифанинг аҳамиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Барчамизга маълумки, замонамиз «ахборот асри» дея аталмоқда. Эндиликда дунёнинг исталган нуқтаси билан бир неча сонияда боғланиш мумкин. Ахборот технологияларидан бохабарлик замонавий маданиятнинг ҳам муҳим белгисига айланиб бормоқда. Ахборот коммуникацияларининг таълим тизимидаги ўрни эса янада аҳамиятлидир. Электрон кутубхоналар, ўқув адабиётлари, масофавий таълим ва бошқа имкониятлар ахборот технологиялари билан боғлиқ соҳанинг келажаги порлоқ эканини кўрсатади.

Ш.Шаропов эса ҳалол меҳнат қилиш, зиммасидаги вазифаларни адо этиш ўрнига қинғир йўлларни қидира бошлади. Шунда коллежда эшитган бир «миш-миш» унга қўл келадигандай туюлади. Гап шундаки, ҳуқуқ-тартибот идораларига коллежда давлат мулки талон-торож этилгани ҳақида шикоят аризаси тушган бўлиб, агар бу маълумотлар тасдиқланса, коллеж бош ҳисобчиси Элмурод Маматқобилов жавобгарликка тортилиши мумкин эди. Буни қарангки, бу вазиятдан Ш.Шаропов ўзининг манфаати учун фойдаланмоқчи бўлади. У Э.Маматқобиловнинг олдига кириб, шикоятчилар, яъни Р.Аҳмедов билан А.Шариповни «тинчитиш»ни ўз бўйнига олади. Бунинг эвазига эса бош ҳисобчидан 3000 АҚШ доллари сўрайди. Оғзаки «миш-миш»лардан ваҳимага тушган Э.Маматқобилов Ш.Шароповнинг «ундоқ бўлармиш-бундоқ бўлармиш» қабилидаги уйдирмаларидан баттар чўчийди. Шу боис Ш.Шаропов сўраган пулни топиб беришга аҳд қилади. Чўнтагига пул кираётганидан суюнган Ш.Шаропов эса ваъдани қуюқ қилишни унутмайди: «Аризачиларга тайинлаб қўяман, энди шикоят ёзиб безор қилишмайди».

Ҳақиқат бамисоли кўзгуга ўхшайди. Унинг мезонлари кишининг қиёфасини тўлиқ акс эттиради. Бундан на қочиб, на тониб қутулиб бўлади. Шу маънода Ш.Шароповнинг ёлғон сўзларига учган бош ҳисобчи ҳам аслида адашган эди. Биринчидан, унинг айби бор-йўқлиги ҳали аниқланмаган, исботланган тақдирда ҳам Ш.Шароповнинг ёрдам беролмаслигини у эътибордан соқит қилган эди.

Ҳалол йўл билан мол-дунё орттириш ўрнига эгрилик кўчасига кирган Ш.Шароповчи? Унинг тутган йўлини оқлаб бўладими? Асло!

Суднинг қора курсисида такрор ўтирган Ш.Шаропов ердан кўзини узмай, эҳтимол, шулар ҳақида ўйлаётгандир. Балки жазони ўтар экан, хатосини чуқур англаб етар, тавба қилар, ўз навбатида, бу тазарру кейинги ҳаётининг изга тушиб кетишига замин бўлар...

Биз ҳам шуни истардик.

Нурулло БОБОЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси тажрибали ҳуқуқшунос

Атаназар ЯКУБОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-118. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8930.
1 2 4 5 Топширилди: 22⁰⁰